

“ЎЗБЕКИСТОН-2030” СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўроқов Учқун Юнусович
*ТДИУ “Молия ва молиявий технологиялар”
кафедрасининг профессори, PhD*

Маълумки, “Ўзбекистон-2030” Стратегиясида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини 2 баробарга камайтиришга эришиш ва давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий қилиш каби долзарб вазифалар белгиланган [1].

Яқинда Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев манфаатлар тўқнашуви, қиммат нархда товар сотиб олиш ёки хизмат кўрсатиш асосан давлат харидларида кузатилаётгани қайд этиб ўтди [2].

Ҳақиқатдан ҳам, давлат харидлари тизимида қатор ислоҳотлар қилинаётганига қарамасдан, афсуски, бугунги кунда давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

- харид жараёнида товар ва хизматлар нархларини сунъий равища ошириш ҳолатларининг мавжудлиги;
- тизимда рақобатга асосланмаган ҳолда, тўғридан-тўғри шартнома асосида товар (иш,хизмат)лар сотиб олишга имкон берувчи меъёрий ҳужжатларнинг кўплиги; тизимда коррупция ва иштирокчилар ўртасидаги ўзаро тил бириктиришнинг учраётганлиги;
- харидлар бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузилганидан сўнг маҳсус ахборот порталида жойлаштириши, имзоланишидан олдин шартноманинг шартлари ва мазмуни эълон қилинmasлиги;
- харид иштирокчиларига тўғридан-тўғри шартнома тузишга имкон берувчи Ягона етказиб берувчилар реестрига тадбиркорлик субъектларини киритиш механизмининг мукамамал ва шаффоф эмаслиги;
- тизимда жамоатчилик назоратини кенг тадбиқ этилмаганлиги;
- давлат харидлари тизимида шартномаларни бажариш вақтида юзага келадиган низоларни бартараф этиш регламентининг нокулайлиги;
- харидлар юзасидан амалга оширилаётган назорат тадбирларининг формал тус олганлиги ва ҳ.з.

Фикримизча, давлат харидларини амалга ошириш жараёнидаги муаммоларни баратаф этиш ва тизимда самарали молиявий назоратни таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Давлат буюртмачилари томонидан тұғридан-тұғри шартномалар ҳажмини 2 карра қисқартириш, бундай шартномалар тузилишидан олдин уни давлат харидлари махсус ахборот порталында жойлаштириб, камида бир иш куни давомида жамоатчилик мұхокамасига қўйиш тартибини жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Тизимда бу шаклда жамоатчилик назоратини ўрнатилиши харид жараёнида товар, иш ва хизматлар нархларининг сунъий равища оширилиши, коррупцион ҳатти-ҳаракатлар ва ўзаро тил бириктириш ҳолатларини олдини олади;

2. Бозорда муқобиллари бўлмаган ва техник жиҳатдан мураккаб товарларни етказиб берувчиларни Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш мезонларига Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг холосаси ҳам мавжуд бўлиши талабини киритиш лозим. Бунинг натижасида давлат харидлари тизимида ноқонуний келишув ва шартномалар орқали молиявий маблағларни ўзлаштириш ҳолатларини олдини олиш ҳамда иштирокчилар ўртасида тенглик, холислик ва соғлом рақобатни таъминлашга эришилади. Қолаверса, ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги ариза ва унга илова қилинадиган маълумотларни давлат харидлари махсус ахборот порталыда очиқ эълон қилиш, мажбурий жамоатчилик мұхокамасидан ўтказиш ҳамда мазкур ариза бўйича жамоатчилик вакиллари томонидан фикр-мулоҳаза қолдириш имкониятини яратиш лозим. Шаффофлик ва ошкораликни таъминлаш учун ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш натижалари (қаноатлантириш ва рад этиш асослари) давлат харидлари махсус ахборот порталыда очиқ эълон қилиниши ҳам мақадга мувофиқ.

3. Давлат харидлари тизимида самарали молиявий назоратни амалга ошириш учун тизимда барча жараёнларни автоматлаштириш, замонавий IT воситалари ва сунъий интелектдан фойдаланиш орқали инсон омилини қисқартириш, қонунбузарликларни аниқлаш учун маълумотларни автоматик таҳлил қилиш тизимларидан фойдаланиш ва давлат харидлари тизимининг мобиль иловаларини яратиш ҳам катта ижобий самара беради. Давлат харидлари соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат органлари ушбу соҳада аниқлаган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, хато ва камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталыда шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этган ҳолда доимий очиқлаб бориш тизимда молиявий назорат самарадорлигини оширишга хизмат қиласи;

4. Давлат харидлари электрон тизими операторларига давлат буюртмачилари ва харид қилиш тартиб-таомиллари ижроилари ўртасида шартномаларни бажариш вақтида келиб чиқадиган судгача бўлган низоларни ҳал этилишида қўмаклашиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ. Бу шартнома тузган икки томон учун ҳам бирдек манфаатли

бўлиб, низоларни ҳал қилиш жараёнининг қулайлаштириб, сарфланадиган вақт ва маблағни тежалишини таъминлайди.

5. Давлат харидлари тизимида қонунчиликни мустаҳкамлаш, уни ҳалқаро стандартлар билан уйғунаштириш, қоидабузарликлар учун қаттиқроқ жазо чораларини жорий этиш, молиявий назорат соҳасида қатъий қоида ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш долзарб масаладир. Бунинг пировардида, қоидабузарликлар ўз вақтида аниқланиб, давлат бюджетига зарар етказилиши, маблағларининг ноқонуний ўзлаштирилиши, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупцион ҳолатларнинг олди олинади;

6. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнининг барча босқичларида жамоатчилик назоратини кенгайтириш, фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари(ОАВ)ни жараёнга кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун тизимда шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш, жамоатчилик ва (ОАВ)га давлат харидлари бўйича маълумотларга кенгроқ кириш имкониятини яратиш лозим бўлади. Назоратнинг бу шакли фақат маблағларни тўғри сарфланишини текшириш билан чекланмай, балки давлат харидлари доирасида бажарилган ишлар ва етказиб берилган товарлар сифатини ҳам баҳолаш имконини беради;

7. Ҳалқаро тажрибаларга таянган ҳолда, давлат харидларида товарларнинг ўртacha бозор нархлари кўриниб турадиган электрон платформа яратиб, ундаги маълумотлар янгиланиб турадиган тизим қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда, давлат харидларида сотиб олинадиган товар ва хизматлар нархи ўртacha бозор нархидан кўпи билан 20 фоиздан ошмаслиги ни таъминлаш ва ушбу талабни бузганлик учун қонун билан жавобгарлик ва жарималар жорий қилиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, давлат харидлари тизимида самарали молиявий назорат соҳани тўлиқ рақамлаштириш, қонунчилик базасини кучайтириш, коррупцияга қарши курашиш, шаффофлик механизмларини ривожлантириш ва жамоатчилик назоратини таъминлашни ўз ичига олган комплекс ёндашувни талаб қиласди. Бу эса ўз навбатида, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва молиявий йўқотишларни камайтириш, молиявий қоидабузарликлар хавфини минималлаштириш, назорат механизмларини такомиллаштириш ҳамда давлат харидлари тизимига кенг жамоатчилик ва тадбиркорлик субъектлари ишончини оширишга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “«Ўзбекистон -2030» Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. 11.09.2023

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишидаги маърузаси. 05.03.2025

3. У.Ўроқов. Бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг харидлари. Дарслик. Т.: “DIADEMA NUR SERVIS”, 2025. 300 б.

4. У.Ўроқов. Давлат харидлари тизимида молиявий назоратни такомиллаштириш йўналишлари. ““Яшил” иқтисодиёт ва тараққиёт” журнали. № 6. 2024

5. У.Ўроқов, Н.Тошматова. Халқаро ташкилотлар ва давлат харидларини тартибга солиш: ошкоралик ва самародорлик йўли. Талқин ва тадқиқотлар илмий-услубий журнали. UIF. 2023.2181-3035. № 33.

6. У.Ўроқов, Н.Ўқтамова. Бюджет ва корпоратив буюртмачилар харидларини ташкил қилишни такомиллаштириш йўллари. International scientific journal “Interpretation and researches” Том 1 № 18 (2023)

ISSUES OF ENSURING THE SECURITY OF THE BANKING SYSTEM IN THE FINANCIAL MARKET OF UZBEKISTAN

*Ismailova Nasiba Komildjanovna
Tashkent State University of Economics,
Senior Lecturer, Department of
«Finance and Financial Technologies»*

Introduction. The banking sector plays an important role in ensuring the effective functioning of the national economy. The banking system controls a large part of monetary resources, ensures their movement, distribution and redistribution, helps the emergence and development of financial and economic relations between economic entities. Inadequate performance of the main functions of the banking system disrupts economic relations between economic entities and is considered one of the main threats to the country's economic and national security.

Analysis and Results.

1.Level of competition in the banking market. According to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 12, 2020 “On the strategy of reforming the banking system of the Republic of Uzbekistan for 2020-2025” №. PF-5992, the reform of the banking sector in the Republic of Uzbekistan as one of its main directions, complex transformation of commercial banks with a state share, introduction of modern standards of banking work, information technologies and software products, sale of a package of state shares in banks to investors with the necessary experience and knowledge on a competitive basis, as well as a state share reduction of the share of the state in the banking sector was determined by simultaneously reforming commercial banks and enterprises.

2.The level of quality of regulation and control of banking activities by the central bank. The Bank Supervisory Committee of the Central Bank is a collegial body established on the basis of the requirements of the Law “On the Central Bank of the Republic of Uzbekistan” and is permanently functioning. Documents submitted by banks for approval by this Committee in the direction of the authorization procedure, including registration of amendments to the charter of credit organizations, licensing of credit organizations, removal from the state